

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

14 «Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомоди ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1334-1

(2010 йил 24 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда), Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова), Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон (II)), шунингдек Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (19-сон БҲМС) «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш»га (рўйхат рақами 833, 1999 йил 2 ноябрь) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2004 йил 10 мартдаги 37, 2004-26 ва 20/1-сон «Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомоди ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1334, 2004 йил 6 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 14-сон, 173-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 17 декабрь,
117-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 17 декабрь,
2009-36-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 17 декабрь,
78-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси
ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофа-
за қилиш вазирлигининг 2009 йил
17 декабрдаги 117, 2009-36, 78-сон қарорига
ИЛОВА

**«Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк
камомеди ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа
тортиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги
қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Номи ва 1-бандидан «ва солиққа тортиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Низомда:

а) номи ва кириш қисмидаги «ва солиққа тортиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 2-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомеди ва ортиқчасини солиққа тортиш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон (II)) асосан амалга оширилади.»;

в) 2 — 6 параграфлар номидаги «ва солиққа тортиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

г) 4-банднинг «в» кичик банди иккинчи хатбошисидаги «мулкни» деган сўз «узок муддатли активларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 5, 6, 10, 11, 15, 16, 20, 21, 23, 25 ва 26-бандларининг бешинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

е) 7, 8, 12, 13, 17, 18, 22, 27 ва 28-бандларининг тўртинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

ж) 9-банднинг «б» кичик банди иккинчи хатбошисидаги «мулкни»

деган сўз «узоқ муддатли активларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 30 — 36-бандлар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«30. Инвентаризация жараёнида аниқланган ҳисобга олинмаган мол-мулклар, ортиқча чиқиш аниқланган санадаги айнан шунга ўхшаш мол-мулкларнинг бозор қиймати бўйича уларнинг ҳақиқий аҳволини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади (ортиқча чиқиш сабаблари ва айбдор шахслар кейинчалик аниқланади), белгиланган тартибда бюджет ташкилоти ҳисобига қабул қилинади ҳамда бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) асосий воситалар:

дебет «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётлари;

кредит «Асосий воситалар фонди» субсчёти;

б) асбоб-ускуналар ва қурилиш материаллари:

дебет «Ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар» субсчёти;

дебет «Капитал қурилиш учун қурилиш материаллари» субсчёти;

кредит «Бюджет томонидан муассаса харажатлари ва бошқа тадбирларни молиялаштириш» субсчёти (ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари учун);

кредит «Бепул олинган (берилган), шунингдек инвентаризация натижасида ортиқча чиққан товар-моддий бойликлар ҳамда пул маблағлари» субсчёти (ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари учун);

в) материал захиралар:

дебет материал захираларни ҳисобга олувчи субсчётлар;

кредит «Бюджет томонидан муассаса харажатлари ва бошқа тадбирларни молиялаштириш» субсчёти (ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари учун);

кредит «Бепул олинган (берилган), шунингдек инвентаризация натижасида ортиқча чиққан товар-моддий бойликлар ҳамда пул маблағлари» субсчёти (ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари учун);

г) арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмлар:

дебет арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмларни ҳисобга олувчи субсчётлар;

кредит «Арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмларнинг фонди» субсчёти.

Ҳисобга олинмаган асосий воситалар бўйича эскириш ҳисоблаш асосий воситалар таркибига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошланади ҳамда мазкур объектнинг қиймати доирасида ёки уни баланسدан ҳисобдан чиқарилгунча амалга оширилади.

31. Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан пул маблағлари (пул эквивалентларидан ташқари) тегишли бюджет даромадига ўтказиб берилди ва ҳисобда қўйидагича акс эттирилади:

а) пул маблағлари белгиланган тартибда қирим қилинганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётлар;

кредит «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» субсчёти;

б) тегишли бюджет даромадларига ўтказиб берилганда:

дебет «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» субсчёти;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётлар.

Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан пул эквивалентлари белгиланган тартибда кирим қилинади ва ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

дебет «Пул эквивалентлари» субсчёти дебети;

кредит «Бюджет томонидан муассаса харажатларини ва бошқа тадбирларни молиялаштириш» субсчёти (ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари учун);

кредит «Бюджет маблағлари бўйича дебиторлик қарзларнинг ҳамда товар-моддий бойликларнинг ҳисобдан чиқарилиши» субсчёти (ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари учун).

32. Инвентаризация натижасида аниқланган камомаднинг аниқ айбодори топилмаган ёки моддий-жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, кам чиққан мол-мулкларни ҳисобдан чиқарилишидан кўрилган зарар ташкилот ҳисобига олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) асосий воситалар:

дебет «Асосий воситалар фонди», «Асосий воситаларнинг эскириши» субсчётлари;

кредит «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётлари;

б) арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмлар:

дебет «Арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмларнинг фонди» субсчёти;

кредит арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмларни ҳисобга олувчи субсчётлар;

в) материал захираларнинг белгиланган меъёрлар чегарасидаги йўқотилишини, шунингдек бюджет ташкилоти ҳисобига қабул қилинган камомад ва йўқотишлар:

дебет «Муассасани сақлаш ва бошқа тадбирларга бюджетдан харажатлар» субсчёти (ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари учун) — агар материал захиралар бюджет маблағлари ҳисобига харид қилинган бўлса;

дебет «Бюджет маблағлари бўйича дебиторлик қарзларнинг ҳамда товар-моддий бойликларнинг ҳисобдан чиқарилиши» субсчёти (ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари учун) — агар материал захиралар бюджет маблағлари ҳисобига қилинган бўлса;

дебет «Бюджетдан ташқари Жамғармалар ҳисобига харажатлар» ва бошқа тегишли субсчётлар — агар материал захиралар бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига қилинган бўлса;

кредит материал захираларни ҳисобга олувчи субсчётлар;

г) асбоб-ускуналар ва қурилиш материаллари:

дебет «Муассасани сақлаш ва бошқа тадбирларга бюджетдан харажатлар» субсчёти (ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари учун) — агар

асбоб-ускуналар ва қурилиш материаллари бюджет маблағлари ҳисобига қилинган бўлса;

дебет «Бюджет маблағлари бўйича дебиторлик қарзларнинг ҳамда товар-моддий бойликларнинг ҳисобдан чиқарилиши» субсчёти (ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари учун) — агар асбоб-ускуналар ва қурилиш материаллари бюджет маблағлари ҳисобига қилинган бўлса;

дебет «Бюджетдан ташқари Жамғармалар ҳисобига харажатлар» ва бошқа тегишли субсчётлар — агар асбоб-ускуналар ва қурилиш материаллари бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига қилинган бўлса;

кредит «Ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар» субсчёти;

кредит «Капитал қурилиш учун қурилиш материаллари» субсчёти.

33. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ва агарда мол-мулк бюджет маблағлари ҳисобидан қилинган бўлса ёки қилинган манбасини аниқлашнинг имкони бўлмаса, айбдор шахсдан ундириладиган сумма тегишли бюджет даромадига ўтказиб берилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

1) асосий воситалар:

а) кам чиққан асосий воситанинг бошланғич (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши:

дебет «Асосий воситалар фонди» субсчёти;

кредит «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётлари;

б) ҳисобланган эскиришни ҳисобдан чиқарилиши:

дебет «Асосий воситаларнинг эскириши» субсчёти;

кредит «Асосий воситалар фонди» субсчёти;

в) айбдор шахсдан ундирилган сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши:

дебет «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

кредит «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» субсчёти;

г) айбдор шахс томонидан ташкилот кассасига камомад суммасининг тўланиши:

дебет «Касса» субсчёти;

кредит «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

д) камомад суммасининг ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига (ёки Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида (бундан кейинги ўринларда Ғазначилик деб юритилади) очилган шахсий ҳисобварағига) кирим қилиниши:

дебет «Текширишлар якуни бўйича аниқланган ортиқча пул маблағлари ва камомадларни ундириш ҳисобига тушган маблағлар» ёки бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар;

кредит «Касса» субсчёти;

е) маблағларни бюджет даромадига ўтказиб берилиши:

дебет «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» субсчёти;

кредит «Текширишлар якуни бўйича аниқланган ортиқча пул маблағла-

ри ва камомадларни ундириш ҳисобига тушган маблағлар» ёки бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар;

2) арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмлар:

а) арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмларнинг ҳисобдан чиқарилиши:

дебет «Арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмларнинг фонди» субсчёти;

кредит арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмларни ҳисобга олувчи субсчётлар;

б) айбдор шахсдан ундирилган сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши:

дебет «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

кредит «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» субсчёти;

в) айбдор шахс томонидан ташкилот кассасига камомад суммасининг тўланиши:

дебет «Касса» субсчёти;

кредит «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

г) камомад суммасини ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига (ёки Ғазначилиқда очилган шахсий ҳисобварағига) кирим қилиниши:

дебет «Текширишлар якуни бўйича аниқланган ортиқча пул маблағлари ва камомадларни ундириш ҳисобига тушган маблағлар» ёки бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар;

кредит «Касса» субсчёти;

д) маблағларни бюджет даромадига ўтказиб берилиши:

дебет «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» субсчёти;

кредит «Текширишлар якуни бўйича аниқланган ортиқча пул маблағлари ва камомадларни ундириш ҳисобига тушган маблағлар» ёки бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар;

3) материал захиралар:

а) материал захиралар суммасини ҳисобдан чиқарилиши:

дебет «Муассасани сақлаш ва бошқа тадбирларга бюджетдан харажатлар» субсчёти (ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари учун) — агар материал захиралар бюджет маблағлари ҳисобига қилинган бўлса;

дебет «Бюджет маблағлари бўйича дебиторлик қарзларнинг ҳамда товар-моддий бойликларнинг ҳисобдан чиқарилиши» субсчёти (ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари учун);

кредит материал захираларни ҳисобга олувчи субсчётлар;

б) айбдор шахсдан ундирилган сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши:

дебет «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

кредит «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» субсчёти;

в) айбдор шахс томонидан ташкилот кассасига камомад суммасининг тўланиши:

дебет «Касса» субсчёти;

кредит «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

г) камомад суммасининг ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига (ёки Ҳазначиликда очилган шахсий ҳисобварағига) кирим қилиниши:

дебет «Текширишлар якуни бўйича аниқланган ортиқча пул маблағлари ва камомадларни ундириш ҳисобига тушган маблағлар» ёки бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар;

кредит «Касса» субсчёти;

д) маблағларни бюджет даромадига ўтказиб берилиши:

дебет «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» субсчёти;

кредит «Текширишлар якуни бўйича аниқланган ортиқча пул маблағлари ва камомадларни ундириш ҳисобига тушган маблағлар» ёки бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар;

4) асбоб-ускуналар ва қурилиш материаллари:

а) асбоб-ускуналар ва қурилиш материаллари суммасини ҳисобдан чиқарилиши:

дебет «Муассасани сақлаш ва бошқа тадбирларга бюджетдан харажатлар» субсчёти (ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари учун) — агар асбоб-ускуналар ва қурилиш материаллари бюджет маблағлари ҳисобига қилинган бўлса;

дебет «Бюджет маблағлари бўйича дебиторлик қарзларнинг ҳамда товар-моддий бойликларнинг ҳисобдан чиқарилиши» субсчёти (ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари учун);

кредит «Ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар» субсчёти;

кредит «Капитал қурилиш учун қурилиш материаллари» субсчёти;

б) айбдор шахсдан ундирилган сумманинг бюджет даромадларига ҳисобланиши:

дебет «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

кредит «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» субсчёти;

в) айбдор шахс томонидан ташкилот кассасига камомад суммасининг тўланиши:

дебет «Касса» субсчёти;

кредит «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

г) камомад суммасининг ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига (ёки Ҳазначиликда очилган шахсий ҳисобварағига) кирим қилиниши:

дебет «Текширишлар якуни бўйича аниқланган ортиқча пул маблағлари ва камомадларни ундириш ҳисобига тушган маблағлар» ёки бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар;

кредит «Касса» субсчёти;

д) маблағларни бюджет даромадига ўтказиб берилиши:

дебет «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» субсчёти;

кредит «Текширишлар якуни бўйича аниқланган ортиқча пул маблағлари ва камомадларни ундириш ҳисобига тушган маблағлар» ёки бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар.

34. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолда (агарда мол-мулк бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қилинган бўлса), айбдор шахсдан ундириладиган сумма бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобвараққа (ёки Ғазначиликда очилган шахсий ҳисобвараққа) кирим қилинади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

1) асосий воситалар:

а) кам чиққан асосий воситанинг бошланғич (тикланиш) қийматининг ҳисобдан чиқарилиши:

дебет «Асосий воситалар фонди» субсчёти;

кредит «Асосий воситалар» счётининг тегишли субсчётлари;

б) ҳисобланган эскиришни ҳисобдан чиқарилиши:

дебет «Асосий воситаларнинг эскириши» субсчёти;

кредит «Асосий воситалар фонди» субсчёти;

в) камомад суммасининг айбдор шахс ҳисобига олиб борилиши:

дебет «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

кредит «Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» ёки бошқа тегишли субсчётлар;

г) айбдор шахс томонидан ташкилот кассасига камомад суммасининг тўланиши:

дебет «Касса» субсчёти;

кредит «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

д) камомад суммасининг ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақига (ёки Ғазначиликда очилган шахсий ҳисобварақига) кирим қилиниши:

дебет бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар;

кредит «Касса» субсчёти;

2) арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмлар:

а) арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмларнинг ҳисобдан чиқарилиши:

дебет «Арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмларнинг фонди» субсчёти;

кредит арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмларни ҳисобга олувчи субсчётлар;

б) камомад суммасининг айбдор шахс ҳисобига олиб борилиши:

дебет «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

кредит «Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» ёки бошқа тегишли субсчётлар;

в) айбдор шахс томонидан ташкилот кассасига камомад суммасининг тўланиши:

дебет «Касса» субсчёти;

кредит «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

г) ундирилган камомад суммасининг ташкилотнинг бюджетдан ташқа-

ри маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига (ёки Ғазначиликда очилган шахсий ҳисобварағига) қирим қилиниши:

дебет бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар;

кредит «Касса» субсчёти;

3) материал захиралар:

а) материал захиралар суммасини ҳисобдан чиқарилиши:

дебет «Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобига харажатлар» ёки бошқа тегишли субсчётлар;

кредит материал захираларни ҳисобга олувчи субсчётлар;

б) камомад суммасининг айбдор шахс ҳисобига олиб борилиши:

дебет «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

кредит «Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» ёки бошқа тегишли субсчётлар;

в) айбдор шахс томонидан ташкилот кассасига камомад суммасининг тўланиши:

дебет «Касса» субсчёти;

кредит «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

г) ундирилган камомад суммасининг ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига (ёки Ғазначиликда очилган шахсий ҳисобварағига) қирим қилиниши:

дебет бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар;

кредит «Касса» субсчёти;

4) асбоб-ускуналар ва қурилиш материаллари:

а) асбоб-ускуналар ва қурилиш материаллари суммасини ҳисобдан чиқарилиши:

дебет «Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобига харажатлар» ёки бошқа тегишли субсчётлар;

кредит «Ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар» субсчёти;

кредит «Капитал қурилиш учун қурилиш материаллари» субсчёти;

б) камомад суммасининг айбдор шахс ҳисобига олиб борилиши:

дебет «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

кредит «Бюджетдан ташқари даромадлар ва тушумлар» ёки бошқа тегишли субсчётлар;

в) айбдор шахс томонидан ташкилот кассасига камомад суммасининг тўланиши:

дебет «Касса» субсчёти;

кредит «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

г) ундирилган камомад суммасининг ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига (ёки Ғазначиликда очилган шахсий ҳисобварағига) қирим қилиниши:

дебет бюджетдан ташқари маблағларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар;

кредит «Касса» субсчёти.

35. Агарда мол-мулк бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби-га қилинган бўлса, айбдор шахсдан ундириладиган сумма мол-мулк қийматидаги бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг улушига мос равишда тақсимланиб, маблағнинг тегишли қисми бюджет даромадига ўтказиб берилади, қолган қисми бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига (ёки Ҳазначиликда очилган шахсий ҳисобварағига) кирим қилинади.

Бюджет ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига (ёки Ҳазначиликда очилган шахсий ҳисобварағига) кирим қилинган маблағлар тўлиғича ташкилотнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

36. Агарда аниқланган камомад ўрнига моддий жавобгар шахснинг ташкилот ихтиёрига берган мол-мулки камомад чиққан мол-мулк қийматига тенг ёки кам бўлса, ушбу мол-мулк белгиланган тартибда бозор қийматида кирим қилинади, етишмайдиган қисми эса моддий жавобгар шахс томонидан пул маблағларини киритиш билан қопланади ва бухгалтерия ҳисобида мазкур Низомда белгиланган тартибда акс этирилади.».

и) қуйидаги мазмундаги 37-банд билан тўлдирилсин:

«37. Инвентаризация натижасида аниқланган пул маблағларининг камомади моддий жавобгар шахслардан ундирилиб, белгиланган тартибда кирим қилинади ва ҳисобда қуйидагича акс эттирилади:

а) аниқланган пул маблағлари камомади суммаси моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилганда:

дебет «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётлар;

б) камомад суммаси моддий-жавобгар шахсдан ундирилганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётлар;

кредит «Камомадларга доир ҳисоб-китоблар» субсчёти.

Бунда, кирим қилинган пул маблағлари қатъий тартибда белгиланган мақсадга сарфланади.».